

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ



“АЁЛЛАР ҚАНОТИ”



O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузуридаги “Тараққиёт” сиёсий таълим маркази томонидан сиёсий кучнинг “Аёллар қаноти” йўналишига масъул ходимлар, жумладан, ҳудудий кенгашларда аёллар масалалари бўйича жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган раис ўринбосарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди.

ФАОЛЛИККА ЧОРЛОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, мутахассис-экспертлар ва партия фаоллари тегишли маъруза ва чиқишлари билан иштирок этдилар.

Тадбирни O'zLiDeP Siёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева кириш сўзи билан очиб, бугун мамлакатимизда аёлларга қаратилаётган юксак эътибор тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг “O'zLiDeP “Аёллар қаноти”

орқали амалга ошириладиган ишлар ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари”, “Мамлакатимизда охириги беш йилликда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги ислохотлар”, “Ёш хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” каби муҳим мавзулар доирасидаги маърузаларда муҳим фикр ва таклифлар ўртага ташланди ҳамда кўргазмали ўқув-услубий тақдимотлар ўтказилди.

Сардор АМИНЖОНОВ,
“XXI asr” мухбири

Муаллиф олган суратлар.



САМОВИЙ САКРАШ МЎЙНОҚҚА БИР ҚАДАМДА ЕТИБ КЕЛДИ

Тасаввуримизга сиғмайдиган рақамларни самовий ўлчамларда белгилай бошлаганимизга ҳали бир инсон умрича вақт бўлмади. Аслида янгича ўлчамлар яратишни тараққиёт тақозо қилган.

“Галактикамиздан икки миллиард қуёш йили узоқликда жойлашган” навбатдаги номаълум галактика кашф қилинган кезларда нигоҳимизни оёғимиз остига қаратсак ва таққослашга киришсак... рўйи заминда рўй бераётган улкан ўзгаришлар жараёнини тасвирлаш учун самовий ўлчамлар зарурлигини англаб етамиз.

Бу энди кўпиртириш эмас! Булар бир авлод у ёқда турсин, янги дунёга келган чақалоқ тетапоя бўлиб юра бошлаган давр – кўпи билан икки-уч йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби.

Давоми 3-саҳифада. ►►

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ
ДЕПУТАТ
МУРОЖААТИНИ
ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТДИ 2с.




ҚАМАШИДА
ИШСИЗЛИКНИ
КАМАЙТИРИШ
МУМКИНМИ? 4с.



ЭРГАШ СОЛИЕВ
ГАЗЕТА
ЎҚИМАЙДИ... МИ?! 5с.



НАФСИНГИЗНИ
ЖИПОВЛАЙ
ОПАСИЗМИ? 6с.



ИҚТИДОРИ
БЎЛМАСА,
ЭШИКЛАР
ЁПИЛАДИ! 6с.



ОРОЛБЎЙИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

САНЪАТ ДАРГОҲИДАН ОЛИС ОВУЛЛАРГАЧА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида профессор-ўқитувчилар, талабалар ва партия фаоллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов, Қорақалпоғистон Республикаси маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Сағиндиқ Турманов, Қорақалпоғистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Қуанишбай Нуриимбетов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти, парламентда олиб борилаётган изчил ишлар, етакчи сиёсий куч саналган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ғоявий мақсадлари хусусида сўз юритишди.

Айниқса, умумхалқ муҳокамаси кунни кеча ниҳоясига етган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасига таклиф этилган янги нормаларнинг келажакда нақадар долзарб аҳамият касб этгани диққат марказида бўлди. Бундан ташқари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайгани, ҳар бир лойиҳа фракцияларда олдиндан кўриб чиқиши, янги мажлислардаги муҳокамада барча фикрларни охиригача эшитиш амалиёти шаклланиши мамнуният билан қайд этилди.

О'зЛиДеР фракцияси раҳбари А. Хайтов Тахياتош туманида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан ҳам яқиндан мулоқот қилди. Уларнинг фаолиятини жойида танишиш асосида партия электроратига ўзининг қатор фойдалани тавсияларини берди.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларга қулай

шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар Тахياتошдаги учрашувларнинг асосий мавзуси бўлди.

Маълумки, ҳозирда юртимиз вилоятлари вакиллари Оролбўйи ҳудудидан турли лойиҳаларни рўйбога чиқаришяпти. Жумладан, Сурхон воҳаси ишбилармон-



лари Тахياتош туманига келишган. Партия етакчиси "Найманкўл" овул фуқаролар йиғини ҳудудидан жойлашган Сурхондарё вилояти штаби ёнидаги "Остона гилам" МЧЖ гилам тўқиш цехида йўлга қўйилган инновацион жараёни кўздан кечирди. Бу ерда 15 дан зиёд бандлиги таъминланган хотин-қизлар билан суҳбатлашди. Цех



ни янада жадаллаштириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш, дала ва томорқаларда етиштирилаётган ҳосилнинг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида Хўжайли туманидаги "Саманкўл" ОФЙ ҳудудидан "Шукуруллаева Толғанай" фермер хўжалигида семинар ташкил қилинди.

Семинарда партия раҳбари Президентимизнинг жорий йилнинг 27 июль кунги пахтачиликдаги долзарб вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишдан келиб чиқиб белгилаб берилган устувор вазифалар, сўнгги йиллардаги иқлим ўзгаришлари пахтачилик олдига янги вазифалар қўяётганлиги, барча ҳудудларда амалга ошириш бўйича "долзарб 30 кунлик" эълон қилинганлигини, ҳозиргидек ҳавонинг аномал иссиқ пайтида ҳосилни сақлаб қолиш, ердан унумли фойдаланиш бўйича керакли тавсия ва маслаҳатларини айтиб ўтди.

Оролбўйидаги мулоқотлар давом этмоқда.

Шунингдек, долзарб 30 кунлик давомда қишлоқ хўжалик соҳасидаги ишлар-

О'зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

МИННАТДОРЛИК

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ ДЕПУТАТ МУРОЖААТИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТДИ

Депутатлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказганида ечимини кутаётган турли муаммоларга дуч келади. Табиийки, қонун билан берилган ваколатлар доирасида уларни ҳал этти шоралари кўрилади.

Жарқўрғон туманида ҳам ана шундай масалалар кам эмас. Диққатга сазовор жиҳати, уларнинг аксарияти ўзаро боғлиқ. Халқаро аҳамиятга эга М-41 йўли бўйидаги ҳолат ҳам шулардан биридир.

"Мехнат-Роҳат", "Қорақурсоқ", "Истиклол", "Нефтчилар" сингари маҳаллалар ҳудудидан ўтувчи ушбу автомобиль йўлида (1578 км) мактабга таълим ташкилотлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, савдо ва овқатланиш шохобчалари бор. "М-41" автомобиль йўлининг айна шу қисми энг серқатнов ҳисобланиши баробарида атрофда аҳоли ҳам гавжум.

Жарқўрғон – Какайди автомобиль йўли бўйида ҳам қатор муассасалар, деҳқон бозори ва жомеъ масжиди жойлашган. Шу йўлнинг чети пиёдалар энг кўп ҳаракатланадиган жойлардан, албатта. Утган йиллар давомида бу ҳудудда анчагина йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлиши натижасида ўнлаб фуқаролар ҳалок бўлди. Маҳаллий фаоллар жиддий ташвишга тушди.

Аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун сайловчилар томонидан юқорида кўрсатилган автомобиль йўлларининг серқатнов қисмида пиёдалар йўлакчаларини ташкил этиш, кесиб ўтиш мумкин жойларга светофорлар ўрнатиш, шунингдек, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг қатъий чораларни кўриш юзасидан амалий ёрдам сўралган мурожаат келиб тушганди.

Олий Мажлис депутати сифатида эса мен мазкур мурожаат юзасидан Ички ишлар вазири Пулат Бобожоновга расмий депутатлик сўрови юбордим. Тез орада тилга олинган ҳудудда амалий ишлар бошлаб юборилди. Жарқўрғон тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи Бишкек – Душанбе – Термиз автомобиль йўлининг 1578 километридаги пиёдалар ўтиш жойи қатнов қисмидаги 5.16.1, 5.16.2 йўл белгилари ва 1.14.1 – 1.14.3 йўл чиқиқлари билан қайта тикланди.

Бундан ташқари, ушбу автомобиль йўлининг ёнида жойлашган 5-мактабга таълим ташкило-



ти, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатиши инobatга олиниб, янги намунадаги 5.46 йўл белгиси ўрнатилди. Энди ҳайдовчилар ушбу ҳудудда 30 км тезликда ҳаракатланади. Жарқўрғон – Какайдиавтомобиль йўлининг 9 километри 400 пекитидаги оливайил нодавлат МТТ ва 10 километри 100 пекитидаги Хўжа Самандар Термизий жомеъ масжиди ёнидан ўтувчи йўл қисмига ҳам пиёдалар чизиги ва йўл белгиси ўрнатилди.

Депутатлик сўровига ўз вақтида масъулият билан ёндашгани, қолаверса, фуқароларнинг хавфсизлигини ўйлаб қилинган тезкор ҳаракатлар учун ички ишлар органлари мутасаддиларига барча сайловчиларим номидан миннатдорчилик билдираман.

**Фахриддин САМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси**

КОНСТИТУЦИАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори билан жорий йил 1 августга қадар умумхалқ муҳокамасига қўйилган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборот юзасидан маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси юзасидан давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида кенг қўламли муҳокамалар амалга оширилди ва уларда фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириши учун барча қулайликлар яратиб берилди.

Умумхалқ муҳокамаси даврида вазирилик, идора ва ташкилотларда, республика бўйича барча туман ва шаҳарларда, шунингдек, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида 20 мингга яқин тадбирлар ташкил этилди.

Конституциямизга киритилаётган ўзгаришлар ҳамда олиб борилаётган ишларни аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали қўллаб-қувватлаш эълон қилинди. Масалан, давлат ва нодавлат телеканалларда 11 608 та лавҳа, интервью, инфоромацион ва махсус кўрсатувлар эфирга узатишга бўлса, радиоканалларда 2 997 та инфоромацион ва махсус эшиттириш ташкил қилинди.

Марказий, ҳудудий ва сиёсий партиялар нашрларида 1 138 та мақола чоп этилди. Конституциявий ислохотлар юзасидан интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларда 46 720 та ахборот материали эълон қилинди.

Брифингга қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг муҳокамаларида ёшлар, ўқитувчи-



лар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, умуман, Ватанимиз тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз таклифларини билдирди. Бунинг қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига чиқарилганидан сўнг ҳозирга қадар 150 мингдан ортиқ таклиф келиб тушгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эътиборли томони, мамлакатимизда бўлаётган конституциявий ислохотлар жараёнида хориждаги ватандошларимиз ҳам бефарқ бўлишмади. Жумладан, Қозоғистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатларда яшаётган юртдошларимизнинг юзлаб таклиф ва муносабатлари келиб тушди.



Фуқароларимиздан келиб тушаётган таклифлар орасида:

- давлатнинг ишсизликни тугатиши;
- солиққа тортишнинг мутаносиб ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши;
- давлатнинг зарур ҳолларда хориждаги фуқароларга ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиши;
- давлат органлари фаолиятида очиқликнинг бўлиши ва уларга коррупцияга қарши курашиш мажбуриятини юклаш;
- аҳоли учун муносиб яшаш шароитларини яратиш, озиқ-овқат хавфсизлиги;

– маҳаллий кенгашларга ҳам ҳокимларга ишончсизлик вотумини билдириш ваколатини бериш;

– суднинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллашга ҳақли эмаслигини белгилаш ҳақида ва бошқа шу каби келиб тушган таклифлар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Масъул қўмиталар умумхалқ муҳокамаси давомида берилган таклифларни ўрганиб чиқиш учун Конституциявий комиссия билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу, ўз навбатида, келиб тушаётган минглаб таклифларнинг масъул қўмиталар томонидан кўриб чиқишида қатор қулайликлар яратди.

Брифингга Конституциявий қонун лойиҳасининг бугунги кунда 6 турдаги экспертизадан ўтказилгани, шунингдек, яқинда Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан етакчи олимлар, профессор, академиклар иштирокида жамоатчилик маслаҳатлашуви ўтказилиб, унда ҳам лойиҳада сўз ва ибораларни тўғри қўллаш юзасидан қатор таклифлар берилгани қайд этилди.

Таъкидланганидек, ҳар бир таклиф ва экспертиза хулосалари экспертлар, мутахассислар, олимлар, сиёсатчилар иштирокида чуқур ва атрофлича муҳокама қилиб борилмоқда.

**Сардор МУСТАФОЕВ,
"XXI asr" мухбири**

КОНСТИТУЦИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА 150 МИНГДАН ОРТИҚ ТАКЛИФ КЕЛИБ ТУШГАН

САМОВИЙ САКРАШ

МҲЙНОҚҚА БИР ҚАДАМДА ЕТИБ КЕЛДИ

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Бундан атиги ўн йил илгари юртимизнинг энг чекка худуди ҳисобланмиш Мўйноқ туманида қанча аҳоли истиқомат қилганини биласизми? Худуди жиҳатдан Хоразм ёки Сирдарё вилоятларига солиштирганда деярли ўн ҳисса катта майдонни эгаллаган туманда бор-йўғи 11 мингдан сал зиёд одам яшарди. Орол денгизи бошига тушган кулфат – экологик танглик оқибатида кўп қадим касбу хунарлари касодга учраган балиқчилар истар-истамас отамаконларини тарк этиб, рўзғор юритишга қулай манзилларни қора тортиб кетишган. Собиқ шўро даврида донғи қитъалар ошган Мўйноқ консерва заводи унга бақамти қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти туггани бир ёқ, яшаш учун оддий шарт-шароитлар йўқлиги бир ёқ бўлган-да!

Ҳозир эса Мўйноқда 32 мингга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўн йил эмас, сўнгги уч йилда аҳолининг бу қадар кескин (шу ўринда ҳам беихтиёр “самовий сакраш” ўлчамини эсга оламиз) кўпайгани табиий ўсиш ҳисобига эмас. Шахсан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан худудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида қабул қилинган қарорлар, жумладан, амалиётга айлантирилган давлат дастурлари ижроси таъминлангани натижаси бу!

Ана энди айнан самовий ўлчамлар билан таққослагулик ислохотлар ҳақида сўз юритамиз.

Эрталардаги “бошига бахт куши кўнди” иборасини ўқиганда энттиканимиз бор – қачон бу “бахт куши” бошимизга қўнаркан, деган ҳаёлга борганмиз-да!

...2022 йил 23 февраль куни қадим Мўйноқ аҳли бошига ҳақиқий “бахт куши” кўнди – Мўйноқ аэропортига илк самолёт кўнди. Яна қандай самолёт денг – Президент самолёти!



Мўйноқ – мамлакатимизнинг олис худудларидан бири. Энг яқин шаҳар – Кўнғиротгача 100, Қорақалпоғистон маркази – Нукусгача 200 километрик масофа бор. Бу – коммуникацияларда қийинчилик туғдиради дегани.

Аслида мўйноқликларнинг ҳаёти, яшаш шароити давлатимиз раҳбари эътиборига тушганига анча бўлган. Бу худудни ривожлантириш бўйича иккита қарор қабул қилиниб, манзилли дастурлар амалга оширилган, оширилмоқда. Президентимизнинг ўзи ҳам Мўйноққа муқаддам икки марта – 2018 ва 2019 йилларда ташриф буюрган. Ва ҳаммаси ўшандан бошланган.

Мўйноқ туманига қаратилган алоҳида эътибор 2017–2021 йиллар давомида Оролбўйи минтақасининг энг оғир нуқтаси ҳисобланмиш худуднинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятини, аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган қарорлар мазмунини ва амалиётида кўрилади. Президент 2017 йилнинг 2 февралда имзолаган “Қорақалпоғистон Республикаси-

нинг Мўйноқ тумани аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор билан жами қиймати 26,6 миллиард сўмлик 101 километрик “Кўнғирот–Мўйноқ сув объекти” қурилди ва натижада бир йўла 15 минг аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бир вақтлар остонасига тўқтинлар урилиб турган шаҳар экологик ҳалоқат туфайли тирикликнинг бош мезони ҳисобланмиш унсурдан жудо бўлган. Ахир, денгиз деярли икки юз эллик чақиримга чекинган – ўрнида Оролқум отлик улкан саҳро пайдо бўлган... Осмондан шаррос ёмғир эмас, шўр тузли чанглр ёға бошлаганди.

Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи худудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш бўйича белгиланган режалар асосида ўтган тўрт йил давомида 1 732 494 гектар ер майдонига чўл ўсимликлари уруғлари ва кўчатлари экиш ишлари амалга оширилди. Биргина 2018 йили 461 минг гектар майдонда фитомелиорация ишлари олиб борилди. Шу жумладан, уруғдан 445 587, самолётлар ёрдамида 326,2 минг, техникалар ёрдамида 119,4 минг ва салкам 16 минг гектар майдонда ўрмонзорлар ташкил қилинди. 2019 йилга келиб бу рақамлар янада ўсиб, 706 минг гектар майдон “яшил қопламалар” – табиий ўрмонзорларга айланди.

Ёки амалдаги йил баҳорига бу жараён давом эттири-



йналтирилган маблағни асосан хорижий инвестициялар ташкил қилади.

Лойиҳаларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, қайта ва қайта ҳайратимиз ошаверади. Сабаби, маблағнинг 70 фоизга яқини бевосита саноат учун ажратилган. Бу эса янгидан 42 та лойиҳани амалиётга айлантиришга хизмат қилган. Агар муқаддам Мўйноқ туманида саноат корхоналари деярли йўқлигини инобатга оلسак... ислохотларни саҳрода янгидан шаҳар бунёд қилишга таққослашимиз мумкин.

Яна сервис ва хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларига ҳам жуда улкан рақамларда ифодаланган маблағлар йўналтирилганга гувох бўламиз.

Дастур доирасида 2019 йили 51 та, 2020 йили 16 та ва 2021 йили эса 38 та лойиҳа амалга оширилди.

Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 5-иловасига мувофиқ ушбу даврда Мўйноқ туманида жами қиймати 232 миллиард 575 миллион сўм миқдоридagi инвестициялар ўзлаштириш ҳисобига 73 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу маблағнинг салкам ярми саноат соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

Рақамлар кўрсатишида чалғиб қолмаслигиниз учун бир лойиҳани эслатиш билан чекланамиз.

“Ўзпахтасаноат” АК томонидан “Мўйноқ порлоқ текстиль” корхонаси қурилиб, ишга туширилиши натижасида 350 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Пахта хомашёсини тайёр маҳсулотга айлантириш ва четга экспорт қилиш имконини айнан шу корхона бошлаб бергани эътиборли.

Жорий йилда 16 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш устида жадал ишлар олиб бориляпти.

Катта маблағдан самарали фойдаланиш, худудни том маънода саноат марказига айлантириш, экспорт ҳажминини оз эмас, беш ҳисса оширишни кўзлаган янгидан-янг лойиҳалар келгуси йили ҳам изчил давом этиши белгилаб қўйилган.

Шу ўринда юқорида келтирилган маблағ қанчалик қудратга эга эканини таққослаш орқали ойдинлаштирамиз. Аҳолиси икки миллиондан ошган айрим вилоятларга бир йилда янги лойиҳаларни ишга тушириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш учун ҳукуматимиз томонидан ажратилган сармоа аҳолиси бор-йўғи 31 минг кишини ташкил қилади-ган Мўйноқ туманига йўналтирилаётган маблағлар билан таққослаганда жуда улканлигини кўраемиз. Бу эса худудга берилаятган алоҳида эътиборнинг яққол ифодасидир.

Президентимиз беҳудага “Мўйноқ Қорақалпоғистоннинг “ташир қоғози”га айланади!” деган эди.

Бу улкан бунёдкорлик ишларининг бари адоғи йўқ саҳрода шаҳар, яна денг, замонавий саноат шаҳри яратиш йўлидаги умидбахш қадамлардир.

Аллоҳ таоло мўйноқликларни тақдир тақозоси ила азим денгиздан мосуво этгани эвазига янги денгиз – “бахт ва тўқинлик денгизи”ни туффа қилаётир.

Тубдан ривожланаётган саноатни айтмай турайдик,

табиат мўйноқликларни бошқа табиий бойликлар билан ҳам сийлагани, бугун кенг худудларда ўсиб ётган айрим ўсимликлар, шўр суви ботқоқлик ва ҳавзаларда яшаётган майда жонзотлар илғор технологиялар асосида қайта ишланиб, дунёнинг бир қатор давлатларига “Мўйноқ” бренди остида етказиб берилмоқда.

Бугун Мўйноқ артемия каби камёб маҳсулотни экспорт қилиш борасида етакчилардан бирига айланган. Мисол учун, 2017 йили 8 та кичик корхона салкам 1 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотни Хитой ва Россияга экспорт қилган бўлса, 2018 йили бу иш билан машғул корхоналар сони 23 та етган ва улар мавсумда 1028 тонна артемия йиғштириб олган.

Ўтган йили 45 та шундай экспортёр кичик корхона 2 минг тонналик хирмон кўтариб, 9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни четга жўнатган.

Таққосланг! Тўрт йилда шу табиий бойлик экспорти 9 мартага ошган. Кўрсаткичлар йилдан йилга “самовий сакраш” ўлчамларида ўсиб борапти.

Мўйноқ тумани ва Орол денгизи тарихи ҳамда бугунги кунининг дунё миқёсидаги аҳамиятини эътиборга олиб, худудни юртимизнинг туризм марказларидан бирига айлантириш мақсадида ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг грант ва донор маблағлари жалб қилинмоқда. Ўтган йилларда “Орол ва Мўйноқнинг қайта тикланиши” мавзусида халқаро экофестиваль, “Орол денгизи балиқларидан 99 турдаги таомлар” мавзусида гастрономик фестивал ҳамда қорақалпоқ мумтоз адабиёти вакиллари Бердақ ва Ажиниёз ижодий меросига бағишланган халқаро мусиқий-шёррий фестиваллар ўтказилди.

Президентимиз самолёти Мўйноқ аэропортига қўнишида ана бир рамзийлик бор. Замонавий талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган бу аэропорт худудга хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар келишига қулайлик туғдиради. Муқаддам Мўйноқ ҳамда Орол денгизи тубини кўришга иштиёқманд сайёҳлар анча қийинчиликларга дуч келишар, Нукус шаҳридан Мўйноққа ва ундан у ёғи Орол денгизи ҳавзасига етиб олишга деярли ярим кунини сарфлашарди.

Яқин йилларда халқаро мақомга эга бўладиган Мўйноқ аэропорти барча қитъалар билан боғланади. Бу эса сайёҳлар оқимини бир неча марта оширишга имкон яратлади.

Орол денгизи ташлаб кетган худудда барпо этилган ўрмонзорларни томоша қилиш, балиқ овлash, табиат қўнида сайр этиш каби саёҳат турлари минглаб сайёҳларни ўзига оҳанрабодек тортиши ҳеч шубҳасиз. Бунинг учун эса, мутахассисларнинг билдиришича, яқин йилларда Орол денгизи, денгиз ташлаб кетган худуддаги ўрмонзорларни осмондан томоша қилиш учун енгил самолётларда сайр йўналишлари ташкил этилади.

Дарвоқе, ўтган уч йил йилда Мўйноқ шаҳрида учта замонавий меҳмонхона қурилиб, илк миқозларини қабул қилди. Шаҳарда сайёҳларга хизмат кўрсатиш шохобчалари шаклланиб бормоқда.

Кўйи Амударё минтақаси табиати, мезморий ва тарихий ёдгорликларини кўриш учун ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар учун, мана бир неча йилки, Хива-Тупроққалъа йўналиши фаолият кўрсатмоқда. Келажакда бунга Мўйноқ ҳам қўшилиб, худуднинг ўзига хос “олтин ҳалқаси”га айланса ажаб эмас!

...Камина ўттиз йилдан ортиқ даврда республика нашрларининг Кўйи Амударё минтақасидаги сайёр муҳбири вазифасида ишлаб келаман. Яшириб нима қилдим, ўтган йилларда Мўйноқ тумани худудига хизмат тақозоси билан бориш зарурияти туғилса, ҳатто ейдиган озиқ-овқатни ўзим билан олиб кетишга мажбурият сезардим. Масофа узоқлигидан ишлар бир неча кунга чўзилганида тунаш учун ётоқхона муаммоси ўртага чиқарди.

Енгил машинада хизмат сафарига отланганда йўлларнинг хароб аҳволдалигига ёнилгиси топиш машамаси ўртага чиқарди. Шундан имкон қадар ишни телефон орқали бажаришга уринардик. Аммо бунинг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бўларди – алоқа тизими талабларга жавоб бермасди.

Энди эса Мўйноққа ҳар томонлама ривожланган, барча хизматлар тўқис йўлга қўйилган замонавий шаҳарга кетаётгандек ҳавас билан отланамиз. Ва ҳар сафар шаҳарга ва унга ёндош туман худудига кирувчи 5 та маҳалла ва 6 та овул фуқаролар йиғини – Учсой, Тикўзак, Мадали, Бўзатов, Қозоқдарё, Аққалъа каби аҳоли масканларида рўй бераётган самовий сакраш ўлчамларидаги ўзгаришларга ҳайрат билан боқиб, беихтиёр янги ёзилажак мақолаларимизга сарлавҳалар излаб қоламиз...

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” махсус муҳбири,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси
Тошкент – Мўйноқ

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

МУҲОКАМА, МУНОЗАРЛАР ҚИЗИЯПТИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИГА ДАХЛДОР БИР ҚАТОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Хусусан, "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинган марказида бўлди.

Мазкур ҳужжат билан 1 та кодекс ва 1 та қонунга ўзгартиш киритилиши назарда тутилган. Жумладан, "Гаров тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмида "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунга тушунчаларни мувофиқлаштириш мақсадида "давлат эҳтиёжлари" деган сўзлар "жамоат эҳтиёжлари" деган сўзлар билан алмаштирилиши тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг бир қатор моддаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш мақсадида "қонун ҳужжатлари" деган сўзлар тегишли келишидаги "қонун" сўзи билан алмаштирилиши тақлиф этилди.

Худди шу асосга кўра, кодекс-

нинг 197-моддасидаги "мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади" деган сўзлар "қонунда белгиланган асосларга кўра мулк ҳуқуқини бекор қилишга олиб келувчи қонунчилик ҳужжатига мувофиқ бекор бўлади" деган сўзлар билан алмаштирилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалаларида мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустақамлашига хизмат қилади.

Йиғилишда "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам ниҳ-



ятда қизғин кечди.

Тақлиф этилаётган лойиҳада давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги

давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Ўз мухбиримиз

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР



ТИББИЙ КЎНИКМА ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?

Аввалига ғалати эшитиладиган бундай тадбирлар замирида барибир эл саломатлигига қайғуриш ҳисси ётганини ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Аммо ҳар қандай даврда ҳам саломатлик биринчи ўринда турадиган энг муҳим вазифадир. Шу маънода O'zLiDeP Тахта-тош туман кенгаши томонидан "Соғлом оила – мустақкам оила" лойиҳаси доирасида "Соғлом турмуш – мустақкам жамият асоси" мавзусида тиббиёт бир-лашмаси билан биргалликда давра суҳбати ташкил қилиниши беҳиз эмаслигини иштирокчилар кейин англаб етишди.

Партиянинг туман кенгаши аппарат раҳбари З.Сапарова, кўп тармоқли поликлиника акушер-гинеколог Ю.Аҳмедова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш, айниқса, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор "Инсон қадрини учун" тамойилида яққол акс этаётганини қайта-қайта таъкидлашди.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг тўртинчи йўналишида ҳам аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилишга алоҳида урғу берилган.

Бундан ташқари, маҳалладаги хотин-қизларга кўкрак саратони, камқонлик касалликларининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, тўғри овқатланиш, шахсий гигиенага масалалари бўйича ҳам керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбир доирасида маҳалладаги 21 нафар хотин-қиз бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Аҳоли турмуш фаровонлиги ва даромадларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ёшлар ҳамда хотин-қизлар, меҳнат бозорига энди кириб келаётган битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича таъсирчан механизмларни жорий этиш, шунингдек, янги иш ўринлари очган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни танқидий таҳлил қилиш мазкур тадбирнинг асосий мақсади сифатида белгиланди.

Унда таъкидланишича, 275 минг нафардан ошдиқ аҳоли истиқомат қиладиган туманнинг меҳнат ресурслари 149,2 минг нафарни ташкил этади. Шундан 104,4 минг нафари иқтисодий фаол. Жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида 86 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож шахс ишга кирган. Жазони ўтаб келганлардан 27 нафари мустақил равишда ўзи иш топган. 7 мартаба ўтказилган меҳнат ярмаркасида қатнашган 234 нафар фуқародан 92 нафари йўланма билан ишга жойлашган. 61 нафари касбга тайёрлашга йўналтирилган, 22 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларида жалб этилган.

Ҳисобот даврида туман бўйича 2068 та, шундан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали 154 та, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 64 та, кичик торхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 379 та, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш орқали 1471 та янги иш ўрни яратилган. Марказга мурожаат этган 378 кишининг муаммолари ижобий ҳал этилган.

Шу ўринда одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга ҳисса қўшаётган фаол тадбиркорлар кўпайганини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди O'zLiDeP Қамашини туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Камол Шодмонов. – Масалан, чимлик тадбиркор Азамат Чориевнинг ўзи гулхайри етиштириш ташаббуси билан чиқиб, мингдан ортиқ оила бандлигини таъминлаб келаётди. "Чим" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда бир



неча маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, ҳонадонларидаги ер майдони анчагина катта. Оқова сувдан ҳам қийналишмайди. Кўпчилик авваллари ердан унумли фойдаланмасди. Беда экиб, томорқани яйловга айлан-тириб олишганди. Гулхайрининг дараги чиққач, ҳамма қизиқиб қолди. 10 сотих майдонга гулхайри экиб, 500 кило доривор хомашё етиштирсангиз, ҳосили унча яхши бўлмаганда тақдирда ҳам 20 миллион даромад қилсангиз, бунинг нимаси ёмон? Аммо бошқа ҳудудларда оқова сув танқислиги боис деҳқончилик қилишнинг сира имкони йўқ. Ўнлаб қишлоқларимизда истиқомат қиляётган, осмонга кўз тиккан одамлар лалмикор майдонларда серёгин келган йиллардагина томорқаларида ўхшат, бошоқли дон экинлари етиштиришлари

мумкин, холос.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан депутатлар марказ раҳбарияти аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини тегишли мутасаддилар иштирокида зудлик билан муҳокама этиб, қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, бандликни таъминлашда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигини алоҳида эътироф этишди.

Хўш, Қамашини ишсизликни камайтириш мумкинми? Утган йиллар мобайнида бу саволга жавоб топиш бугунги кунда ҳам мушкулликка қолмоқда. Ҳар йили марказ томонидан ярмарка ўтказилади, ҳисоботлар тақдим этилади. Аммо ишсизлик камаймаяпти. Бугун Қашқадарёдаги мардикор бозорларни кезсангиз, ҳар икки кишидан бири қамашлик эканлиги ниҳоятда ачинарли.

фақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам катта қизиқиш билан ҳарид қилади. Ана шу гиламчилик мактаблари фаолиятини ривожлантириб, кичик цехлар ташкил этишда оилавий тадбиркорлар моддий қўллаб-қувватланса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасида янги имкониятлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Лалмикор майдонларда янтоқ йил давомида ўсиб, гуллаб ётаверди. Янтоқдан чорва моллари учун ем ишлаб чиқариш борасида Нишон туманида муваффақиятли бошланган тажрибани амалиётда қўллаш фурсати келди, шекилли. Нишонлик тадбиркор янтоқдан ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйганига бир йилдан ошди. Ёш тадбиркорларни иш ўрганиш учун юбориш қийин эмас-ку!

Йиғилишда O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Панжи Нуртоев ва бошқа ноиблар марказ раҳбарияти ёшлар ва хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, касб-хунар ўргатиш мактабларини замонавийлаштириш, лалмикор майдонларда томчилик суғоришга асосланган иссиқхона, боғлар яратиш, миллий хунармандчиликни ривожлантириш аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди. Эшитилган ҳисобот бўйича жойларда депутатлик гуруҳи назорат таҳлил фаолиятини ташкил этиш, бандликни таъминлашда депутатларнинг ҳам масъулиятини янада ошириш юзасидан қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

ҚАМАШИДА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ МУМКИНМИ?

Халқ депутатлари Қамашини туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бошлиғи Асрор АВЛАЕВнинг ҳисоботи эшитилди

СПОРТНИ СЕВГАНЛАР – БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

Оддий ҳақиқат шу аслида. Кўряпмиз, гувоҳи бўляпмиз ҳам, спортга меҳр қўйганлар, кундалик одатига айлантирганлар қандай ютуқларни қўлга киритаётганини. Ёки соғлом, бақувват бўлиб юришганини.

Ана шундай қоидаларга амал қилган O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ёшлар ва бизнес тузилмалар бўлими ташаббус билан чиқди: енгил атлетика бўйича "Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик!" шиори остида спорт мусобақаси ўтказиш режалаштирилди.



Қўйилган вазифа бажарилди ҳам. Тараққиёт стратегиясида белгиланган ёшлар сиёсатига доир ишларни жадаллаштириш ҳамда иқтидорларини аниқлашга қаратилган баҳса марра чизигини биринчи қатори кесиб ўтганларни O'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Алишер Рўзиев эсдалик совғалари билан қарши олди.

Тадбир сўнггида "Ёшлар қаноти" фаоллари учун Термиз шаҳридаги IT-PARK бўйлаб медиатур уюштирилди. Унда шу соҳага қизиқиши банд ёшлар замонавий марказ фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Марказда 8 та йўналиш бўйича ўқув курслар ташкил этилган бўлиб, асосан дастурлаш, график дизайн ҳамда чет тиллари бўйича ўғил-қизларга билан берилди.

O'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

ИККИНЧИ МАҚОЛА

ЭРГАШ СОЛИЕВ ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИ...МИ?!

Ёки "Аёллар дафтари" хўжакурсинга жорий этилмаган

"XXI ASR" ГАЗЕТАСИНИНГ 30 ИЮНЬ СОНИДА "ЖИЗ-ЗАХ ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЭРГАШ СОЛИЕВ ДИҚҚАТИГА" РУКНИ ОСТИДА "ЗАФАРБОБДА УНУТИЛГАН МАҲАЛЛА БОР..." САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ. ОРАДАН БИР ЯРИМ ОЙ ЎТЯПТИ ҲАМКИ, НА ВИЛОЯТ ҲОКИМИЛИГИ, НА ТУМАН ҲОКИМЛИГИДАН ЖАВОБ БЎЛДИ. КЎРНИБ ТУРИБДИКИ, ҲУДУД РАҲ-БАРЛАРИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА МУНОСАБАТ ЯХШИ ЭМАС. БУГУН ХУДДИ ШУ МАНЗИЛДАГИ АЯНЧЛИ МАНЗАРАЛАР АКС ЭТГАН ИККИНЧИ ТАҢҚИДИЙ МАҚОЛАНИ ЯНА ЭРГАШ СОЛИЕВ ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИШГА МАЖБУРМИЗ.

Зафаробод туманига хизмат сафари билан бориб, ўша ерда яшовчи бир неча аёллар билан учрашиб қолдим. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сира-сига киришлари, яшаш шароити яхши эмаслигини айтиб, мени уй-ларига бошлади.

Мавжуда Отабоевнинг бир ўғил, бир қизи бор экан. Ўзи ҳам, қизи ҳам ногирон. "Аёллар дафтари" дамисиз, қачондан рўйхатга олингансиз, деб сўрадим.

– Ҳа, "Аёллар дафтари" дамисиз, деб маҳалладан айтиб кетишган. Бир чиқаришди, бир киргизишди. Бултур Мустақиллик байрамига мақарон, ёғ, гуруч беришди. Уйимнинг аҳолини кўрдимиз. Иш сўраб борганим, "Обод маҳалла" пайтида бир ой ишладим, кейин яна пилла қуртида ишлашга қақаришди. Эрим устачилик қилади, ҳар-ҳар замонда ишга чиқади. Паспорти йўқ, қонуний никоҳдан ўтмаганмиз. Туман прокурори билан учрашганда ёрдам берамиз, деганди. Туман ҳокимлигидаги мутасаддиларга "Бориб-келишга йўлқирам ҳам йўқ", десам, "Маблаг ажратиб берамиз", дейишди. "Азиз деган йигитга учрашасиз", дейишди, маҳаллага борсам, "Маблаг йўқ", деб қайтариб юборишди...

Чиндан, бу опанинг яшаш шароити жуда ачинарли аҳволда экан. Бир хонали уй чолдевор бўлиб ётибди, сал тегинсангиз кулаб тушадигандек. Шифт ҳам таъмирсиз, кўрқинчли ҳолатда.



дафтари"да рўйхатда туради. Олти фарзанди бор, икки қизини турмушга берган. Беморлигидан ёнимизга зўрға юриб келди.

– Икки марта буйрагимдан операция бўлганман. Маҳалладан ҳеч кўмак ажратишмайди. Фақат буйрагимга деб бир марта шарбат, бир марта укол беришди. Яқинда рўзғорга ҳарна ёрдам бўлади деб, жўжа сўраганим, инкубаторчи тадбиркор аёл рад этибди. Вақтида айтганимда олиб кетишмади, энди жўжалар катта бўлиб қолди, дебди. Маҳалладан бир марталик ёрдам сўраганим, беришмади. Узим ёш болаларим билан ишолмайман. Гектар олганман, чопишга

турибди. Кейинги босқичларда қолган опалар ҳам бор. Кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларга имконимиз етгунча кўмак бериш ниятида юрибмиз. Бир неча аёл тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида. Кўрпа тикиш цехи очсам, кенгайтирсам, деяпти. Шунинг ҳаракатидаммиз. Фақат жой масаласини ҳал қилишимиз керак.

Бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар, аёлларга катта имкониятлар яратилаётган

ни бор гап. Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янгича тизимда иш бошланганига ҳам анча бўлди. Лекин олис ҳудудларда ишлар суст. Қаёққа қараманг, фалончи янги тайинланган, энди ўрганимиз, кейинги босқичга киритилган, яқинда бўлади, деган ваъдалар қулоғингизга чалинади.

Чекка жойларда ҳамон қўллаб-қувватлаш мақсадида янгича тизимда иш бошланганига ҳам анча бўлди. Лекин олис ҳудудларда ишлар суст. Қаёққа қараманг, фалончи янги тайинланган, энди ўрганимиз, кейинги босқичга киритилган, яқинда бўлади, деган ваъдалар қулоғингизга чалинади.



Ҳаммаёқни жанда босган. Ўғли бир чеккада қўнчибгина ўтирар, эри эса ухлаб ётарди. Ҳовлиси очик, қақраб ётибди.

Аёллар бошқа қўшнисиникига етаклаб боришди. Шаҳноза Тожибоева икки йилдан буён "Аёллар дафтари"да турар экан. Тўрт фарзанди бор, каттаси 2-гуруҳ ногирони.

– Яқинда маҳалла фаоллари келиб ўрганиб кетишди, энди ёрдам бўлади, дейишяпти. Аввал ҳеч ёрдам беришмаган. Моддий кўмак сўраганман. Хўжайиним Пахтакор туманида текстилда ишлайди. Менга фақат ёрдам пули керак, ўғлимни даволатишга қийналанаман. Икки йил ҳисобига бир марта укол-доридан қарашган. Ромашка чой, осма укол, 3 та система ва шприц, спирт, пахта, антибиотик, ампициллин беришди. Боламга эмас, ўзимга бир курс муолажа учун беришди...

Ҳолида Соллибоева Чеварлар кўчасидаги 10-уйда яшайди. 1980 йили туғилган, "Аёллар

бораман. Турмуш ўртоғим мой заводидида ишлайди. Ҳозир далада ишолмай қолган, мазаси йўқ. Топган пулимиз бола-чақанинг қорнини тўйғизишга зўрға етади. Яқинда бу уйга кўчиб чиқдик. Таъмирини ҳам қилолмаяпмиз...

Опа уйига тақлиф қилди, кириб кўрдик, аҳвол жуда ноқарор. Ўзи ҳам наридан бери қийинган, бошидаги рўмоли ўчоқдами, тандирдами куйган.

Маҳалла хотин-қизлар фаоли Шаҳноза Абдуқодировга учрашиб, бу аёлларнинг муаммоларини юзасидан сўхбатлашдик. – Бир ой бўлди ишга келганимга, – дейди у. – Ёрқин маҳалласида аҳоли сони 8 минг 778 нафарни ташкил этади. "Аёллар дафтари"га 153 нафар хотин-қиз киритилган. 45 нафарига бир марталик моддий ёрдам ажратилган. Қарамоғида ногирони борларга бир марталик ёрдам берилади. Шаҳноза Абдуқодировга олдинги етапда кўмак олган. Уй-жойга муҳтожлар рўйхатида

деган мақол тўғри. Бундай хотин-қизларимизни касб-ҳунарга ўқитиш ишларини жонлантириш, уларга янгича ғоялар, руҳий маънавий хуқуққа эга эди. Бугун қўлида мобил телефон ушлаган одам борки, шу хуқуққа эга бўлди – уларнинг барчаси сиёсатдан, иқтисод ва фалсафадан, маданият, санъат ва диндан, тиббиётдан ажл ўргатадиган бўлди.

Интернетга кирганимга қадар дунёда шунча кўп доно борлигини билмас эдим. Интернетга кирганимдан кейин дунёда шунча кўп аҳмоқ борлигига ҳам ишонч ҳосил қилдим. Сўнги вақтларда интернетнинг ўзбек сегментини илгари сурилган дохиёна ғоя ва ташаббуслардан бир шингил намуна.

Холниса РАҲМОНҚУЛОВА, журналист

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ҳамда бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жаъраёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётир. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир. Мутахассисларнинг фикрича, дунё халқлари бугунги



ИФТИХОР

Тилини ардоқлаган миллат мангуликка дахлдор

кунда 7000 дан зиёд тилда гаплашади, уларнинг фақатгина 200 га яқинида давлат тили ёки расмий тил мақоми мавжуд экан. Ўтмишда 9000 дан ортиқ тил мутлақ йўқолиб кетган.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошди. "Давлат тили ҳақида"ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоян этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Олимлар ва мутахассислар томонидан илм-фан ва турли соҳаларга оид энциклопедия ҳамда луғатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари чоп этилди. Мумтоз адабиётимиз намуналари, саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланганидан сўзларни ўз ичига олган беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" бу борада амалга оширилган ишларнинг энг муҳимларидандир.

Масалан, бизнинг заводимизда ҳам Президентимизнинг 2019 йил 21 ок-

тябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузурдаги давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малакасини ошириш марказининг Қарши филиалида 42 нафар ишчи-хизматчи ўқитилиб, сертификатлар олинди.

Жамоа аъзолари ўртасида миллий қадриятларимизни, урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш борасида кенг қўламли маънавий-маърифий ишлар ташкил этилаётир. Она тилимизга бўлган эътиборни кучайтириш мақсадида турли адабий учрашувлар, шеърхонлик кечалари, кўрик-танловлар ташкил этилаётир. Завод ҳудудидаги, цех ва бўлимларнинг кириш қисмидаги барча пешлавҳалар лотин алифбосига ўзгаришга эриштирилди. Меҳнат хавфсизлиги йўналиши бўйича 161 млн сўм эвазига

186 дона баннер тайёрланмоқда. Ишчи-хизматчилар ўртасида "Лотин алифбосида тез ва хатосиз ёзаман" шиори остида танлов ташкил этиляпти.

Миллатимизнинг маданий ўзаги ва асосий мулоқот манбаи бу – она тилимиздир. Биз уни қанчалик сақласак, гўзал ибораларни ташбеҳлари ила келажак авлодларга етказиб бериш, халқимизнинг буюк миллат сифатида келажак сари дадил одимлашига ҳисса қўшган бўламиз. Шунинг унутмаслик кераки, тил халқнинг жипслиги ва келажagini белгилайди. Фақат тилгина халқларни эзгулик сари ўзаро бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъана ва маданиятини сақлаб, авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, тилини асраган миллат бу дунёда мангуликка дахлдордир.

Зебинисо САЛИМОВА,
"Деҳқонobod қалий заводи"
АЖ Бошқарув раисининг
маслаҳатчиси

АЖАБО!

Садағанг кетай, интернет

Интернетнинг кашф этилиши чиндан ҳам мўъжиза бўлди – ер юзиде яшаётган салкам саккиз миллиард одамнинг ҳаммаси бирданига журналист, фотограф, оператор ва режиссёрга, энг муҳими, "мутафаккир"га айланди.

Илгари билими ва тажрибаси, заковати ва идрокки бор, меҳнати ва таланти билан жамиятда обрў-эътибор қозонган одамлар фикр айтиш учун маънавий хуқуққа эга эди. Бугун қўлида мобил телефон ушлаган одам борки, шу хуқуққа эга бўлди – уларнинг барчаси сиёсатдан, иқтисод ва фалсафадан, маданият, санъат ва диндан, тиббиётдан ажл ўргатадиган бўлди.

Интернетга кирганимга қадар дунёда шунча кўп доно борлигини билмас эдим. Интернетга кирганимдан кейин дунёда шунча кўп аҳмоқ борлигига ҳам ишонч ҳосил қилдим. Сўнги вақтларда интернетнинг ўзбек сегментини илгари сурилган дохиёна ғоя ва ташаббуслардан бир шингил намуна.

"Фуқаро" деган сўз баъзи зиёлиларга ёқмай қолибди, негаки, у "фақир", "қашшоқ" деган ҳақоратли маънони билдирар экан. Шунинг учун "Ўзбекистон фуқароси" деган иборани эркаклар учун – "Ўзбекистон беги", аёллар учун – "Ўзбекистон бекаси" деган мағрур жанрангайдиган сўзларга зудлик билан алмаштириш керак эмиш. Кўп донолар бу фикрни газеталарда, ижтимоий тармоқларда қўллаб-қувватлади. Ҳатто бу тақлифни ҳаётга жорий этиш учун фуқаролар, э, кеңирасиз, бек ва бекларнинг имзоларини тўплаш ҳаракати ҳам бошланиб кетди.

Агар бу ғоя амалга ошиб қолса, ажойиб бўлармиди?

Масалан, шу кунгача матбуотда "Ўзбекистон фуқароси Эшмат Тошматов ўн уч яшар қизни зўрлаб, Россияда қамоққа олинди", деб эшитган бўлсак, энди бу гапни "Ўзбекистон беги Эшмат



Тошматов ўн уч яшар қизни зўрлаб, Россияда қамоққа олинди", деб ёзидиган бўламиз-да, тўғрими?

Еки "Ўзбекистон бекаси Салима Холматова Дубайда фоҳишалик билан қўлга олиниб, депортация қилинди", деб ёзишга ўтамизми? Қаранг, қандай гўзал, қандай мағрур жанрангайди!

Еки яна бир "доно" юртдошимиз календардаги ой номларини бутунлай ўзгарттириш ғоясини байроқ қилиб кўтариб юрибди. Чунки январдан тортиб декабргача бўлган номлар ҳаммаси бизга мутлақо бегона чет тилдаги сўзлар бўлиб, уларни дарҳол соф ўзбекча, миллий руҳдаги сўзлар билан, аниқроғи, ой номларини буюк тарихий сиқмоларимизнинг номлари билан алмашти-

риш керак экан. Агар бу антиқа ғоя ҳам амалга ошиб қолса, ниҳоятда қойилмақом иш бўларди...

Тасаввур қилинг-а, феврални Алишер Навоий номи билан атадик. Кейин китобларда, матбуот ва ижтимоий тармоқларда: "Алишер Навоий 1441 йил 9 Алишер Навоий ойда дунёга келган", деб ёзамиз, радио-телевидениеда шундай деб ўқиймиз.

Қаранг, қандай гўзал, қандай мағрур жанрангайди! Шўрлик Мунаввар қори азбаройи миллатимиз жаҳолатидан қуйиб: "Бизнинг жаҳл – жаҳли мураккаб", деб бежиз фарёд чекмаган экан-да...

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоиди

ТАРБИЯ

АБИТУРИЕНТ-2022

НАФСИНГИЗНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

Нафсингизни жиловланг. Акс ҳолда нафс ўз қулларини бахтсизлик, хорлик, шармандалик жарига қулатмагунча қўймайди.

**Эшикка келди бир гадо,
Ҳассага суяниб "оҳ!" деди.
Жавоб бўлди оҳиста,
"Уйимда отам йўқ", деди...**

сатрлари билан бошланган халқ кўшигининг пайдо бўлиш тарихини Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова гапириб берганди. Яъни ўтган асрнинг бошларида Кўқон кўчаларидан кетаётган йигитнинг кўзи олдинда бораётган қизнинг узун энгларидан чиқиб турган нозик бармоқларига тушиб қолибди. Опоқ, нозик бармоқларга қараб туриб беихтиёр йигитнинг дилидан: "Бу қизнинг қўли шунчалар чиройли, юзи қандай экан?" деган хаёл ўтибди ва қадамларини тезлатибди. Лекин қарангки, айна ўша дамда қиз рўпарадаги дарвозани очиб ичкарига кириб кетибди...

"Бу қизнинг овози, юзи, сўзи қандай экан?" деган савол йигитга тинчлик бермай қўйибди. Уша кўчадан у ёқ-бу ёққа ўтибди, лекин ҳар гал эшик ёпиқ... Шунда ошиқ бола худди гадоиларга ўхшаб жулдур кийиниб, елкасига хуржун осиб келибди-ю, ҳалиги дарвозани тақиллатибди. У, ҳеч бўлмаганда, қизнинг овозини эшитишдан умидвор экан. Кўшик мана шу воқеанинг баёни: "Эшикка келди бир гадо..." ва диалог тарзида давом этади:

**"Уйида отаси бўлмаса,
Бир бурда нониям йўқмикан?"**

жудаям чиройли манзара десамми, мулоқот, муҳаббат сари юксак маданият, эҳтиром билан қўйлаётган қадам десамми?..

Бу кўшиқни ҳар гал эслаганимда, шоир Чўлпоннинг:

**Сочилган сочингдек сочилса сиринг,
Анор юзларингни кимга тутасан? –**

сатрлари худди ўша воқеага эгизак каби ёдимга тушаверади.

Ва яна мен учун унутилмас гап: 1970-йиллар, талабалик даври. Ушанда ёш қизлар, аёллар ўртасида мини (тиззадан юқори ва тор) юбкалар кийиш урф бўлганди. Тошкентда талабаларнинг республика илмий конференциясида московлик бир рус олим маъруза қилди. У: "Азиз аёллар, хафа бўлманг-у, ўзимнинг бир хулосамни айтаман: мини юбкалар аёлларнинг қадду қомагидаги нуқсонларни ошқор қилиб кўяркан", деганиди...

Энди замонавий руҳиятшуносларнинг фикр-хулосаларига қўлоқ солсак, улар XXI асрда дунёнинг тараққий этган давлатларидаги энг аччиқ муаммо – оилавий ажримлар, оилавий қадриятларнинг емирилиши, эру хотинларнинг бир-бирига бевафолиги ўша жойдаги хотин-қизларнинг ташқи қиёфасидан тортиб, ички дунёсигача бепарда, очик-сочик бўлиб қолгани билан боғлиқлигини илмий излашларининг хулосалари сифатида айт-

моқдалар. Аксинча, ташқи қиёфасидан тортиб, муоамала-муносабатларига чин аниқлаш, мулоим бўлган кўпроқ эътибор, муҳаббат қозонар экан. Аждодларимизнинг аёллар либосио таълим-тарбиясида айна шу жиҳатларга қаттиқ эътибор қаратишлари шунчаки шарқона урф-одат эмас, балки қисматига ҳаёт давомчиси, келажак авлод мураббийси бўлиш масъулияти, шарафи юкланган қизларнинг оилада, жамиятда она, инсон сифатида чин бахту саодатга эришиб яшашлари учун замин яратиш йўлидаги савий-ҳаракатларидандир.

аммо уларнинг қалб пардалари кўтарилмасин" маъносидаги фикрда қанчалар дониш ва ҳадиқ бор...

Бейбо, яланғоч суратларни омма эътиборига ҳавола этаётган айрим хусусий нашрлар, ижтимоий тармоқлар, пул топишга муккасидан кетган айрим сайт-телеграм каналлари мутасаддиларига яна битта гапимиз бор: сиз ҳам қай бир онанинг фарзанди, қай бир аёлнинг турмуш ўртоғи, опа-сингилларнинг акаси ё укаси, жондек азиз қизларнинг отаси бўлишингиз табиий. Уларнинг шаъни, ор-номуси, обрўси, тарбияси, бахту ка-



Яна сўзимнинг аввалига қайтаман. Назаримда, юқорида тарихи келтирилган оддий лапар-қўшиқдаям халқимизнинг доно ҳикмати муҳасса: аёл киши тўқис либослар, андиша, ибод-ҳаё, кам-сукумлик пардалари ичра яна ва яна жозибали, сирли, дилтортар, севимли, эъозли, меҳру муҳаббатга муносиб бўлиб бораверади. Бу – ҳаётнинг ўзи қабил кўҳна ва ҳаётга ҳамisha эш бўлиб қолдиган одоб-ахлоқ, маънавий юксаклик мезони. Афсуски, кейинги ярим аср мобайнида бу ҳикमत ва унинг амалидан узоклашиб бораётган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Абдулла Ориповнинг ўтган аср охирида "Биз аёллар юзидан чимматни олдик,

моли сизга шунчалар қадрсиз, аҳамиятсизми? Йўқса, уларнинг тимсоли бўлган аёлларнинг беҳаё қиёфадаги суратларини томоша қилмасдингиз, хонадонлардан фаришталарни қувадиган бундай сарқит матоҳларни кўпчиликка намойиш этмасдингиз.

Шов-шувни, моддий ёки яна қандайдир манфаатларни кўзлаб, нафсингизга эрк берманг. Ҳар қандай меҳнат, излаш эзгу мақсадга хизмат қилгандагина, элу юртга нафи теккандагина юзингизни ёруғ қилади.

**Муҳтарам УЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**



ИҚТИДОРИ

БЎЛМАСА, ЭШИКЛАР ЁПИЛАДИ!

ЭСЛАНГ, АВВАЛЛАРИ ПОЙТАХТНИНГ ТУРЛИ БУРЧАКЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЯҚИНИГА ЙЎЛАБ БЎЛМАСДИ. Ё ЁЛҒОНМИ? МЕТРОЛАР, АВТОБУСЛАРДАГИ ТИР-БАНДЛИКЛАР, ПАРКУ ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ МАВСУМИЙ МЕҲМОНЛАРГА ТЎЛИБ КЕТАРДИ. БИР АБИТУРИЕНТ ОРТИДАН КАМИДА БЕШ КИШИ ТОШКЕНТДА ОВОРАИ САРСОН ЭДИ. БУ-ГҮН-ЧИ? НОВАНИШ МАНЗАРАНИ КЎРИБ ҲАЙРОН БЎЛАДИ АВВАЛ ОДАМ. КЕЙИН...

– Бундан атиги икки-уч йил бурун ҳам бизнинг институтимиз худуди атрофи машинаю одамларга тўлиб тошарди. Дарвозадан ҳатто бизнинг ўзимиз зўрға кирардик ишонсангиз. Бугун эса қабуллар тугаб, ижодий имтиҳонлар бошланган маҳал нега ота-оналар кам деб сўранг-да мендан, – дейди **Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ**. – Биринчи сабаби, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республи-

тати **Иқбол Мирзо** раислик қилаётган кенгаш аъзолари сафида таниқли ижодкорлар, санъат намояндалари, депутатлар, маҳалла фаоллари бўлиб, улар билан бирга махсус видеокамералар ўрнатилган аудиторияларга бўлғуси талабаларнинг яқинлари ҳам таклиф этилиб, имтиҳон жараёнларини бемалол кузатаётгандир. Ёки имтиҳон олувчи комиссия аъзолари сафига нуфузли унвонлар соҳиблари бўлмиш машҳур санъат ва маданият соҳаси вакиллари, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ёшларнинг иқтидори, истеъдодини синовдан ўтказишпти. Яна бир жиҳати, бу институтга қайсидир санъат туридан маҳорати бўлмаганлар деярли ҳужжат топиришга ботинолмайдди.

Кузатувчилар орасида олис Кўшрабонтнинг Жўш қишлоғидан неварасининг ижодий имтиҳон топиришини ўз кўзи билан кўргани келган 76 ёшли Иzzат момо Жиянованинг айтган сўзлари ҳамани ҳайратга солди: "Ўзим ўқийманган бўлсам ҳам, нева-чевараларимни ўқитаман деб ният қилувдим. Эҳ, қанийди, ёшлигим қайтиб келса-ю, шундай дорилмомон кунларда ўқиш, ишлаш насиб этса деб армон қиламан баъзан. Худойимга минг қатла шуқр, шуларни қора тортиб келиб, қўрмаган жойларимни кўрдим. Кўшиқ айтишга, актёрликка қизиқадиганлар кўп экан. Лекин манави жойида (юрагини кўрсатади онахон) ғурури, истеъдоди бўлсагина, ўқишга кириши керак ёшларимиз, бўлмаса, тинчгина далага бориб қўйини боқсин, кетмон чопсин, тушундингларми?.."



камизнинг деярли барча худудларида турли йўналишларга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ташкил этилганлиги билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, аввалгидек, фарзанди, жигаргўшаси ортидан ишониб-ишонмай келган оталар, оналар, қариндошлар сони йил сайин камайиб бораётгандир. Негаки бугуннинг ёшлари имкони борича ўзи мустақил равишда ҳаракат қилишга қизиқади. Бу ҳам замонга мослашиш, қолаверса, ўзига бўлган ишончининг мустаҳкамлиги билан боғлиқ омил деб ўйлайман. Асосийси, одамлар ортиқча оворагарчиликлардан қутуляпти.

Хуллас, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бошланган ижодий имтиҳонларни кузатишга чоғланамиз. Эътиборли томони, институт раҳбарияти ташаббуси билан анчадан бери имтиҳонларнинг адолатли ва шаффоф ўтишини таъминлаш мақсадида Жамоатчилик кенгаши тузилгани хайри иш бўлибди. Ибратли томони шуки, **Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депу-**

Дуоғу Иzzат момонинг содда ва самимий эътирофини эшитган комиссия аъзолари ҳам жилмайиб қўйишди...

Дарвоқе, ижодий имтиҳон ўз номи билан ижодий-да. Масалан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлмоқчи дилмига туккан абитуриентга четдан ҳеч ким кўмак беролмаслиги аниқ. Чунки у агар санъатнинг бирор тури, олайлик, актёрлик, қўшиқчилик, фольклор бобида ўз иқтидорини кўрсатиб беролмаса, ортиқча изоҳ, саволга ўрин бўлмаслиги учун барча жараёнлар сўнгги русумдаги кузатув камералари орқали махсус экранларда ва Youtube видеохостингидида тўғридан-тўғри намойиш этилаётгани кўпчиликда катта таассурот қолдирапти.

Институтда эса имтиҳонлар давом этаётди.

**Жавҳарбек ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти талабаси
Суратларни Бобоназар ТУРОПОВ олган.**

АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ТЕЗКОР!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳожат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.

Бунинг учун телефонингизга

"Play Market" ёки

"App Store"дан

"XXI asr" иловасини юклаб олиб,
пул ўтказсангиз кифоя.

Газетанинг электрон обуна нархлари:

12 ойлик – 96 минг сўм;

6 ойлик – 48 минг сўм.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шўҳрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИДИ
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.

Буюртма рақами: Г – 851 Адади: 5083

Электрон обуна – 1355

Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 19:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнерлар

Элёржон Нейматов,
Маъруфжон Раҳмонов
саҳифалади.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Сардор МУСТАҒОЕВ